

2025 йил 17-ноябр

“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси маслаҳатчиси “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони билан тақдирланди



Пойтахтимизда “16-ноябр - Халқаро бағрикенглик куни” муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз Дин ишлари бўйича қўмита томонидан “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони билан тақдирланди.



Тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, диний конфессиялар вакиллари, миллий маданий марказлар фаоллари, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳамюртлар, шунингдек ОАВ вакиллари иштирок этди.

Юртимиз равнақи ва маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизга “Диний бағрикенглик” кўкрак нишонлари ўз эгаларига топширилди.



Қувонарлиси, "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раисининг маънавият ва давлат тилини ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси Санобар Абдурахманова ҳам "Диний бағрикенглик" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбари томонидан диний-ма'рифий соҳада олиб борилаётган сиёсат натижасида фуқароларнинг виждон эркинлиги, динлараро ва миллатлараро тотувлик та'минланаётгани, мазкур кўкрак нишонининг таъсис этилгани ва тақдим этилаётгани эса ушбу соҳа ривожига бўлган юксак э'тиборнинг амалий ифодасидир.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-boshqaruv-raisi-maslahatchisi-diniy-bagrik>